Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2016 ЙИЛ 1 МАРТ, СЕШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 43 (13.106)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Корхона раҳбарининг хонасига кирганимизда Маҳбура Қодирова телефонда хотин-қизлар байрами муносабати билан мусиқа мактабида бўладиган тадбирга буюртма олаётган экан.



Аъло Абдуллаев олган сурат

ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН АЁЛ

– Байрам тадбирларига атлас ёки адрасдан тайёрланган либосларга тенг келадигани йўқ. Хоҳласангиз, бу икки мато уйғунлигида тикилган чиройли либос суратини сизга интернет орқали юбораман. Кўриб, ўз фикрингизни айтасиз, – телефонда мижозига маслаҳат берарди у.

М.Қодирова 1999 йилдан пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Янги Себзор маҳалласида оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб бошлаган. 2009 йилда ўз фаолиятини кенгайтириб, тикувчиликка ихтисослашган "A'lo Omad Rivoj" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилган.

Ҳозир саксон нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада 40 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Улар мамлакатимизда бўлиб ўтадиган халқаро анжуманлар учун буюртмага биноан турли давлатларнинг байроқлари, юртимиз рамзлари – герб ва байроғимизни ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, мактаб ўқувчилари, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари учун формалар, спорт кийимлари, аёллар миллий ва замонавий либослари, болалар трикотажлари, мусиқа ва санъат мактабларига байрамларга мўлжалланган кийим-кечаклар етказиб беришади.

– Талабалик йилларимда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни орзу қилардим, – дейди М.Қодирова. – Лекин у пайтларда ишбилармонликка бугунгидай имконият йўқ эди. Президентимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб, барча шароитни яратиб берди. Бу мени ёшликдаги орзуимни рўёбга чиқаришга ундади. Фикр-режамни турмуш ўртоғимга айтгандим, у киши қўллаб-қувватлади. Шу тариқа ўз уйимизда тўртта тикув машинаси билан оилавий тадбиркорликни бошладик. Дастлаб бир хил маҳсулотлар тайёрладик. Аста-секин машиналар сони ҳам, маҳсулот тури, ҳажми ҳам кўпайиб, хонадонимиз торлик қила бошлади. Туманимиздаги қаровсиз бир иншоотни ижарага олиб, тикув машиналари ва барча зарур жиҳозлар билан таъминлаб, замонавий корхонага айлантирдик.

Тадбиркор Тошкент шаҳар бандликка кўмаклашиш жамғармасидан имтиёзли шартларда олинган 50 миллион сўм кредит маблағидан самарали ва мақсадли фойдаланди – 10 та замонавий тикув машинаси харид қилиб, Олмазор тумани енгил саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг ўн нафарини иш билан банд қилди. 2014 йил банкнинг 74 миллион сўм имтиёзли кредити эвазига Германия, Корея Республикаси ва Хитойдан йигирма дона замонавий тикув машинаси келтирди. Бу билан Олмазор туманидаги енгил саноат, Юнусобод дизайн касб-ҳунар коллежларининг 35 нафар битирувчисини иш билан таъминлади.

Ўтган йили Маҳбура Қодирова "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси кўмагида Малайзияда ўтказилган халқаро бизнес анжуманида иштирок этиб, хорижлик ҳамкасблари билан тажриба алмашди. Спорт кийимлари ишлаб чиқариш технологиясининг ўзига хос сир-асрорларини ўрганиб, уни корхонасида жорий қилди.

"A'lo Omad Rivoj" корхонаси маҳсулотининг аҳоли орасида бозори чақкон. Юқори сифати, арзон нархлари билан ҳамиша харидоргир. Маҳбура опа ўз устида тинмай ишлагани боис қисқа муддат ичида эл орасида ҳурмат топди. Меҳнатлари муносиб қадрланиб, 2010-2011 йилларда "Ташаббус" танловида "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли" йўналиши бўйича ғолиблар сафидан ўрин олди. 2012 йилда Президентимизнинг фармонига мувофиқ "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

– Мен Олмазор тумани енгил саноат коллежининг тикувчилик йўналишида таҳсил олиш жараёнида шу ерга амалиёт ўташ учун келгандим, – дейди Нозима Мавлонова. – Дарсда олган назарий билимларим амалиётда қўл келди. Аёллар либослари, болалар кийим-кечаги, давлатимиз байроғини тикишни ўргандим. Корхона раҳбариятининг таклифи билан иш ўрнига эга бўлдим. Бу ерда ишчилар учун барча шарт-шароит яратилган.

– Корхонамизда юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланади, – дейди ЎзА мухбирига М.Қодирова. – "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида маҳсулот ишлаб чиқараётганимиздан фахрланамиз. 2015 йилда 318 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, жорий йилда 500 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Келгусида маҳсулотларимизни экспортга чиқаришни мўлжалламоқдамиз.

Маҳбура опанинг муваффақиятлари мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодий-ижтимоий ролини ошириш, ташаббус ва интилишларини рўёбга чиқаришга қаратилаётган эътибор самарасининг ёрқин мисолидир.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА

Янги қонун қабул қилинди

ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида "Электрон ҳукумат" тизимини янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган "Электрон ҳукумат" фаолиятининг долзарб масалалари мавзуидаги семинарда шулар ҳақида сўз борди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев ва бошқалар мамлакатимизда электрон шаклда маълумотлар алмашиш кенг йўлга қўйилаётгани, фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш ва улар манфаатларини таъминлаш самарадорлиги ошаётганини таъкидлади.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрда қабул қилинган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунининг мазмун-моҳияти ва уни амалиётда қўллашнинг муҳим жиҳатларига оид маълумотлар берилди. Ушбу қонун жорий йилнинг июнь ойида кучга киришини ҳисобга олиб, унда белгиланган чора-тадбирлардан соҳа мутахассисларини хабардор этиш, бошқарув тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, улардан фойдаланишни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

– "Электрон ҳукумат" тизими давлат ва аҳолининг яқин ҳамкорлигини таъминлайди, – дейди ЎзА мухбирига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази директорининг биринчи ўринбосари Ҳ.Исаев. – Тизим доирасида интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ва улардан фойдаланиш механизми жорий этилмоқда, соҳа мутахассисларининг бу борадаги билим ва малакаси оширилмоқда.

Семинар доирасида қонун нормаларини қўллаш, тизимни самарали ташкил этишга оид таклифлар билдирилди. "Электрон ҳукумат" инфратузилмасининг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Чирчиқ гарнизонидаги ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган йигитларга мамлакатимиз олий таълим муассасаларига ўқишга киришда қўшимча имтиёз берадиган тавсияномалар топширилди. Шу муносабат билан Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида ташкил этилган тадбирда ҳарбий хизматчилар, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Бухорода "Ўзбекистон келажагига масъулман" шиори остида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, вилоят ҳокимлиги ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида фаол ёшлар форуми ўтказилди.

● Жиззахда "Мамлакатда демократик янгиланиш шароитида фуқаролик жамияти институтларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари" мавзусида семинар ўтказилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари масъул ходимлари, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими мутахассислари иштирок этди.

● Урганчда хотин-қизлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 15 корхона, ташкилот ва муассаса 800 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркада аёллар таклиф этилаётган иш ўринлари, меҳнат шароити билан танишиб, 30 га яқин хотин-қиз ўз мутахассислиги бўйича ишга йўлланма олди.

ЖАҲОНДА

● Шимолий Американинг "Boston Dynamics" муҳандислик компанияси "Atlas" русумли инсонга ўхшаган ҳолда ишланган роботлар янги авлодининг имкониятларини намойиш этди. Ушбу робот биноларнинг ичида ва кўчада ҳаракатланиши, эшикларни очиши ва предметларни элтиб бериши мумкин. Шунингдек, йиқилиб кетса ўрнидан туриш имконияти мавжуд. Янги роботнинг бўйи 175 сантиметр, вазни эса 82 килограммдан иборат.

● Япониядаги "Тахакама" атом электр станциясига ўрнатилган электр тизимининг зўриқиб ишлашини аниқлаб берувчи анжом трансформатор ва трансмиттер ўртасидаги электр қувватининг ҳаддан ташқари кўтарилиб кетишини кўрсатганидан сўнг тўртинчи реактор авария тарзда тўхтатиш режимига ўтказилди.

● Швейцариянинг Цюрих шаҳрида бўлиб ўтган ФИФАнинг навбатдан ташқари конгрессида Халқаро футбол федерацияси янги президентининг сайловлари бўлиб ўтди. Унда ўзининг икки рақибидан ўзиб кетган УЕФАнинг бош котиби Жанни Инфантино ғалаба қозонди. Ушбу 45 ёшли футбол заҳматкаши Халқаро футбол федерациясини 2019 йилга қадар бошқаради.

Кунлар илиб, табиат уйғона бошлаган шундай паллаларда одам ҳам кўнглида янгиланишга, яшнатишга эҳтиёж сезади. Уйини, маҳалласини, юртини обод этиб, эзгу ишлар қилгиси келади.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА 25 ТУПДАН КЎЧАТ



Халқимиз азалдан баҳорни деҳқончилик айёми сифатида қадрлаган. Шу кунларга эсон-омон етганига шукроналар айтиб, ерга уруғ қадаган. Ниҳол экиб, боғ яратган. Буни қандайдир мажбурият остида ёки фойда илинжида эмас, балки савоб умидида, қалб амри билан бажарган.

Ота-боболаримиз кўчат экиш инсонга нафақат ҳаётлигида, балки кейин ҳам савоб етказиб турадиган эзгу амал эканлигини таъкидлайди. Яхшидан боғ қолади, деган мақол ҳам кўчат экиш фазилатини урғулайди.

Яна бир эзгу анъанамизга кўра, халқимиз фарзанд туғилганда унга атаб терак эккан. Фарзанд бўй етиб, уй қурганда шу тераклар ишлатилган.

Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида бу каби қадимий анъана ва қадриятларимиз янгича маъно ва мазмун билан бойиди. Ободлик кўнгилдан бошланади, деган ҳикматли сўзлар халқимиз орасида кенг тарқалиб, эзгу даъватга айланди. Одамлар ўз уйи, ўз юртини гўзал ва обод қилиб, бундан мамнун бўлиб яшамоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Одамлар ташаббус кўрсатиб, ҳашарлар ташкил этмоқда. Маҳалла ва турар жойлар ораста-ланиб, ариқ-зовурлар тозаланиб, табаррук қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилмоқда. Кўча ва хиёбонларга манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилаётир.

Кўчат экиш ободликнинг энг муҳим омилларидан. Зеро, дарахт бор жойда гўзаллик, мусаффо ҳаво, ризқ-рўз бўлади. Хонадондаги файзу барака янада ортади, саломатлик мустаҳкамланади. Дарахтларга – меҳнатинг самарасига боқиб, кўз қувнайди, дил яйрайди.

Атрофда янгиланиш сезилаётган айни дамларда кўчат экиб, боғ яратишнинг гашти ўзгача. Кўчат экиш баҳонасида йиғилган дўстлар, қўни-қўшниларнинг дил-тортар суҳбатларию ҳазил-мутойибалари кишига хуш кайфият бағишлайди. Ота-оналарига кўмаклашишга уринган болакайларнинг шодлиги ичига сиғмайди. Одамларнинг уюшқоқлигини кўрган ёш авлод шу юртнинг бахтли фарзанди эканини янада чуқурроқ ҳис этади. Негаки, бундай ҳаётбахш одатларимиз замирида халқимизга хос бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар мужассам.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллигини нишонлаймиз. Президентимиз таъкидлаганидек, янги тарихимизнинг энг ёрқин саҳифасини ташкил этадиган ана шу буюк санага ҳар томонлама муносиб ва салмоқли ҳисса қўшиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун улкан шарафдир.

Бу сўзлар шу юртда яшаётган, шу юртни яхши кўрган ҳар бир инсонга ўзгача ғурур, ғайрат-шижоат бағишлайди. Мазкур қутлуғ санани барча жабҳаларда хайрли амаллар билан қутиб олишга ундайди. Шундай хосиятли йил бошида яхши ният қилиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига атаб 25 тупдан кўчат экайлик. Бу Ватанимиз ободлигига ўзига хос ҳисса, бугунги тарихий даврдан эсдалик бўлади.

Бу ташаббус самарасида барпо бўлган боғлар, чаманзорлар, гулзорлар халқимизнинг порлоқ истиқболи, юртимизнинг ободлиги тимсоли сифатида ҳамиша гуркираб, гуллаб-яшнаб турсин. Мамлакатимиз каби тез ривожланиб, фарзандларимиз билан бирга камолга етсин. Илдизи бақувват дарахтларга айланиб, мустақиллигимиздек абадий бўлсин!

(ЎзА)

Тошкент ахборот технологиялари университетида ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳаси мутахассислари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

МУТАХАССИСЛАР ВА ИШ БЕРУВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари И.Жўраев, Тошкент ахборот технологиялари университети ректори У.Ҳамдамов ва бошқалар Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори соҳа ривожида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, меҳнат бозорида иш берувчилар ва ишга жойлашиш истагида бўлган ёшлар учун қулай шароитлар яратилмоқда. Соҳа ташкилотларининг ишлаб чиқариш қуввати ошиб, юқори технологияли замонавий касблар қамраб олинмоқда.

– Ёшлар салоҳияти "Электрон ҳукумат" тизими лойиҳаларини амалга оширишда муҳим омиллардан биридир, – дейди "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази бош мутахассиси Гулчеҳра Убайдуллаева. – Бугунги кунда марказ ходимларининг 40 фоиздан ортиғини Тошкент ахборот технологиялари университети битирувчилари ташкил қилади. Марказ мутахассислари мамлакатимиз ва хорижда малака ошириш курсларида ўқиб келмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиаллари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича мунтазам ўтказиб келинаётган бўш иш ўринлари ярмаркаси иш берувчилар, ўқув юртлари ва ёш мутахассислар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда самарали механизм вазифасини ўтаётир. "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Ўқиш – ишлаб чиқариш" тамойили бўйича ўзаро манфаатли стратегик ҳамкорликни ёрқин намоён қилмоқда. Компания талабалар ва коллеж ўқувчилари учун амалий машғулотлар ташкил этишга кўмаклашиш баробарида ярмаркада мунтазам иштирок этиб, кўплаб иш ўринларини ташкил этмоқда.

– Бу йил 240 дан ортиқ иш ўрни таклиф этдик, – дейди "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бўлим бошлиғи Мунаввар Аҳмедова. – Олий ўқув юртлари битирувчилари учун муҳандис, дастурчи, коллеж битирувчилари учун эса call-марказ ходими, компьютер тармоқларига техник хизмат кўрсатиш мутахассиси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ярмаркада таклиф этилган бўш иш ўринлари ёшларга ўз қизиқишига мос касбни танлаш имконини беради.

– Мобиль иловалар яратишга қизиқаман, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент ахборот технологиялари университетининг дастурий инжиниринг факультети 4-босқич талабаси Аъзамжон Набижонов. – Суғурта компаниялари ва банклар мобиль илова ишлаб чиқиш мутахассиси лавозимини таклиф қилди. Ўз кўникмаларимни ривожлантириш учун истиқболли компаниялардан бирига ҳужжатларимни топширдим.

Бу галги ярмаркада ахборот-коммуникация технологиялари ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан 100 дан зиёд бўш иш ўрни таклиф этилди. Унда 5,5 мингдан ортиқ битирувчи талаба ва коллеж ўқувчиси иштирок этди.

М.ҚАРШИБОЕВ





Отабек Мирсоатов олган суратлар

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЁШ ТАДБИРКОР – ЮРТГА МАДАДКОР

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни ушбу соҳага кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани юксак самаралар бермоқда.

Республика телевидение ва радио коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман Кенгаши "Ёш тадбиркор" консультатив маркази томонидан "Менинг бизнес ғоям" лойиҳасининг тарғибот тадбири ташкил этилди.

Тумандаги касб-ҳунар коллежи ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ўтказилган тадбирда битирувчи ёшлар қатнашди.

— Мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиб, ўз бизнесини йўлга қўяётган ёшларимиз сафи кўпайиб бормоқда, — дейди "Камолот" ЁИҲ Бектемир туман Кенгаши "Ёш тадбиркор" консультатив маркази координатори Р.Жалолхонова. — Мамлакатимизда яратилаётган шарт-шароитлар туфайли ёш тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Тадбир давомида битирувчиларга "Менинг бизнес ғоям" лойиҳаси ҳақида ёшларга тушунчалар ва унинг шартлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Мутахассислар томонидан берилган бизнес режа тузиш, кредит сиёсати, корхона номи (юридик мақом) ва бошқа маслаҳатлар келгусида асқотиши шубҳасиз.

Битирувчи ёшлар ўзларининг келажакда бошламоқчи бўлган бизнес лойиҳалари бўйича керакли маълумотларга эга бўлишди.

* * *

Тошкент алоқа коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши "Ёш тадбиркор" консультатив маркази, туман ҳокимлиги, тумандаги ҳамкор банклар билан ҳамкорликда "Менинг бизнес ғоям" танловига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Тадбирда битирувчи ўқувчилар орасида танловга бўлган қизиқиш ортгани таъкидланди. Ўқувчиларга танловда иштирок этиш бўйича батафсил маълумотлар бериб ўтилди.

Битирувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига тўлақонли жавоб олдилар. Тадбир сўнгида энг яхши 3 нафар савол эгаларига "Камолот"дан эсдалик совғалари тақдим этилди.

* * *

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман Кенгаши томонидан тумандаги Тошкент тижорат ва тадбиркорлик, Тошкент меҳр-шафқат ва Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежларида ўқувчи-ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қизиқишларини орттириш мақсадида семинар-тренинглар ташкил этилди.

— Бу каби семинар-тренинглар ўқувчи-ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақидаги билим ва тушунчаларини оширишдаги муҳим омиллардан биридир, — дейди "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши раиси Достон Турсунов. — Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежи ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Семинар давомида битирувчи ўқувчи-ёшларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Менинг бизнес ғоям" танлови тартиби ва унда иштирок этиш юзасидан қўйиладиган талаблар бўйича маълумотлар берилди.

* * *

Тошкент туризм ва бизнес касб-ҳунар коллежида ҳам "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели тумани Кенгаши томонидан коллеж битирувчиларининг тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини оширишга бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди.

Ҳаракат қошида фаолият юритаётган "Ёш тадбиркор" консультатив маркази тадбиркорлик фаолиятига қадам қўяётган ёшларга бизнес-режа тузиш, тижорат банкларидан кредит олиш масалаларида яқиндан кўмаклашмоқда.

– Бу каби тадбирлардан кўзланган мақсад ёшларни ўз бизнес ғояларини ҳаётга татбиқ этишлари учун шароит яратишдан иборатдир, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенғаши "Ёш тадбиркор" консультатив маркази координатори Р.Аҳмадниёзов. – Бунда ўқувчилар ўз ғоя ва ташаббусларини билдирдилар. Ўндан ортиқ ўқувчининг бизнес-режаси мутахассислар томонидан истиқболли деб топилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш бўйича йўл-йўриқ кўрсатилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ахборот-коммуникация технологиялари

УЙДА ЎТИРИБ ТЎЛАШ МУМКИН

Мамлакатимизда банк-молия, алоқа ва ахборотлаштириш коммуникациялари, хусусий мулкчилик муносабатларини жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида электрон ҳисоб-китоб қилиш тизими ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб келди.

Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 декабрдаги "Электрон тўловлар тўғрисида"ги қонуни электрон ҳисоб-китобларни, хусусан, банк тўлов тизимларини кенг қўллаш орқали электрон ҳисоб-китобларни янада ривожлантиришга имконият яратди.

Операциялар нархининг арзонлиги, бажарилиш тезлигининг юқорилиги, масофадан туриб тўловларни амалга ошириш мумкинлиги электрон пулларнинг муҳим афзалликлари ҳисобланади. Маълумотларга кўра, интернет орқали молиявий операцияларни бажариш харажатларни 3 баравардан 10 бараваргача камайтириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда электрон тўлов тизимини янги босқичга кўтарди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан Uzkart банклараро тўлов тизими иштирокчилари бўлган тижорат банклари билан биргаликда онлайн режимида ишлайдиган "Smart-Vista" EMV технологик платформаси жорий этилди.

Бу турдаги пластик карточкалар орқали мижоз ўз карточка ҳисобварақларини реал вақт ичида бошқара олади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, бугунги кунда онлайн режимида ишлайдиган пластик карточкалар сони 8 миллиондан ошган. Бу мамлакатимизда барча банклар томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг ярми деганидир.

2013 йил сентябрь ойида Ягона умумреспублика процессинг маркази ва Click компанияси ҳамкорлигида мобиль-банкинг тизими ишга туширилди. Хизматга уланиш учун онлайн пластик карточка фойдаланувчиси исталган банк ёки инфокиоскда Uzkart SMS-ахборот бериш хизматини мобиль телефонига уланиш, сўнгра бепул USSD сўровини жўнатиб, ўз пластик карточкасини тизимга боғлаши лозим. Шундан кейин фойдаланувчи мобиль телефон ёки интернет орқали нафақат уяли телефон, интернет, телевидение ва коммунал хизматлар учун тўловни амалга ошириши, балки уйдан чиқмаган ҳолда интернет дўконлардан турли маҳсулотларни харид қилиши мумкин.

Click тизими фойдаланувчиларга USSD, SMS ва интернет порталлари воситасида маблағни бир ҳисобдан бошқа ҳисобга ўтказиш, рўйхатдан ўтказилган мобиль рақами ҳисобини автоматик тўлдириш имконини берадиган "автотўлов"ни фаоллаштириш, тўловлар тарихини кўриш, банк ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида SMS хабарлар олишда беминнат дастёр бўлади.

Ҳозирги пайтда ушбу тизим орқали уй ва мобиль телефон, интернет хизматлари учун тўловлардан ташқари 52 турдаги интернет сервис, 20 турдаги савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ҳисоб-китобни амалга ошириш мумкин. Хусусан, "Avtech", "UZTE" компаниялари томонидан компьютер ва мобиль телефонларини харид қилиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлганларга рўйхатдан ўтказиш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатувчи "Gosuslugi.uz" харажатларини тўлаш мумкин.

Алоқа, интернет, телевидение, коммунал хизматлар, солиқ, жарима ҳамда бошқа тўловларни, шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан татбиқ этилган "Sms-To"lov" (UPAY), "National Engineering Technologies" компанияси томонидан жорий қилинган MBANK электрон тўлов тизимлари ёрдамида ҳам реал вақт режимида амалга ошириш мумкин.

Электрон ҳисоб-китоблар воситачилик ҳақисиз, сутканинг ҳар қандай вақтида амалга оширилиши аҳолига катта қулайлик яратмоқда.

Бундай имкониятлар банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан (банк-мижоз, интернет банкинг, мобиль-банкинг, SMS-банкинг ва бошқалардан) фойдаланувчилар сонининг ошишига хизмат қилмоқда. Мобиль-банкинг ҳамда SMS-банкинг хизматидан фойдаланувчилар сони ўтган йилдагига нисбатан икки баробар ўсди. Click хизмати мижозлари бир миллиондан ошиб кетди.

Электрон тўлов тизимлари мамлакатимизда замонавий бизнес шаклларининг тараққий этишида пойдевор бўлмоқда. Бинобарин, масофадан туриб тўлаш имконияти истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи учун бирдек қулайлик яратиб, замонавий ахборот технологияларига асосланган савдо муносабатларини янада чуқурлашишига хизмат қилмоқда.

Мутахассислар фикрича, интернет-дўконлар фаолиятини йўлга қўйиш анъанавий дўконларга нисбатан бирмунча камхарж. Чунки эксплуатация харажатлари онлайн тижоратда деярли йўқ. Фақат товарлар сақланадиган омбор ва маҳсулотларни етказиб бериш хизмати бўлса бас.

– Дўконимиз мижозларининг асосий қисмини иккита мавзе аҳолиси ташкил этади, – дейди Сергели туманидаги "Омад-Файз" корхонаси раҳбари Толиб Тўйчиев. – Савдо-сотиқ кўламини янада кенгайтириш учун ҳозирги вақтда дўконимиз маҳсулотлари асосида интернет-дўкон очиш устида иш олиб бораяпмиз. Мақсадимиз – аввал туман миқёсида маҳсулотларни етказиб беришни, кейинчалик бутун шаҳар бўйлаб савдо-сотиқни йўлга қўйиш.

Интернет дўконларда маҳсулотлар нархи ва сифатини шу турдаги бошқа товарлар билан таққослаш мумкинлиги, маҳсулот ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотга эга бўлиш имконияти истеъмолчилар учун муҳим қулайликдир.

– Яқинда уйни таъмирлата туриб, интернетдан зарур товарларни қидирдим, – дейди олмазорлик Раҳим Ниёзов. – Онлайн дўконлардан бирида пластик қувурларнинг нархи маъқул тушиб, буюртма қилдим. Тўловни пластик карточка орқали тўлаганим учун етказиб бериш ҳам текин бўлди.

Мамлакатимизда электрон тўлов механизмларининг такомиллаштирилиши электрон савдо имкониятларини янада фаоллаштириш имконини бермоқда. Бу товарлар айланиши, пул муомаласини янада тезлаштириш, бозорларнинг очиқлигини оширишга, пировардида, халқимиз турмуш даражасининг янада яхшиланиб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишига хизмат қилади.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари, Президент Фармон ва Қарорлари қабул қилиндики, уларнинг замирида аввало маҳсулот сифати, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, истеъмолчилар учун манзур бўладиган товарлар ишлаб чиқариш мужассамдир.

Миллий Матбуот марказида "Ўзстандарт" агентлиги томонидан ташкил этилган давра суҳбатида кейинги йилларда соҳада амалга оширилаётган янгиликлар ҳақида сўз борди.

"Ўзстандарт" агентлиги бош директорининг ўринбосари Жамшид Мирсаидовнинг маълумот беришича, бугунги кунда 2114 та корхонада сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиб, бу 2012 йилга нисбатан 4,5 бараварга ошди. Сифат инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида яна 3029 та корхонада сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиши режалаштирилган. Шунингдек, Дастурни тўлиқ ривожлантириш орқали корхоналардаги синов ва ўлчов воситаларини янги, замонавийларига алмаштириш учун 53,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ йўналтирилади, 174 та янги халқаро стандартлар қабул қилиниб, 12 та синов лабораторияси халқаро даражада аккредитация қилинади.

Тадбирда агентликда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли билан бевосита ишлаш мақсадида интерактив хизматлар йўлга қўйилганлиги, хусусан, Ягона интерактив портали орқали ўлчаш воситаларини қиёслаш учун ариза қабул қилиш, стандарт намуналарини, ўлчашларни бажариш услубиётларини метрологик аттестация қилиш ва бошқа турдаги хизматлар йўлга қўйилганлиги таъкидланди.

Анжуманда "Ўзстандарт" агентлиги тизимидаги Синов ва сертификатлаштириш маркази, метрология хизматлар кўрсатиш маркази томонидан амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари ривожида маҳсулотлар сифатига бевосита дахлдор бўлган "Ўзстандарт" агентлигининг ўз ўрни бор. Биргина ўлчов воситаларини тайёрлаш, сотиш ва ижарага бериш фаолиятини лицензиялаш, ўлчов воситаларини таъмирлаш фаолиятини аккредитация қилиш, метрологик таъминот тўғрисидаги хулосаларни бериш тартиби бекор қилиниши эвазига 5 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг тегишли лицензия ва рухсатномаларсиз фаолият юритишлари учун имконият яратилди. Бундан ташқари стандартлаштириш соҳасидаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилиши натижасида ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш муддатлари 15 кундан 10 кунгача, Давлат рўйхатидан ўтказиш 5 кундан 3 кунгача қисқартирилди. Мажбурий стандартлар тоифалари ҳам 9 тадан 4 тагача камайтирилди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад – республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга жиддий эътибор қаратишдир.

Матбуот анжуманида жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланаётган ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

З. ШАРИФЖОНОВ

ХУШ КЕЛИБСАН, ЎЛКАМГА БАҲОР!



Мана қалбимизни интиқ қилиб соғинтирган гўзал кўкламой яна ўлкамиз меҳмони. Табиат уйқудан уйғонди. Новдалар бошин эгиб, шабботалар қўшиқ куйлайди. Осмонга булут чиқади, илиқ ёмғир томчилари дов-дарахтларнинг шохларини силкитиб, юзларини ювиб, тараб атрофга ўзгача файз-тароват бағишлайди.







ҚАДАМЛАРИНГ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН, ФАСЛИ НАВБАҲОР!

Ариқларни тўлдириб сувлар шилдираб оқади, болалар ғув-ғувлаб гулу чечакларнинг ифорига сармаст учади. Узоқ ўлкалардан учиб келаётган қалдирғочлар ва қумриларнинг овозлари оламни тутади. Айниқса баҳорни қаршилаётган чучмома ва ялпизнинг бўй кўрсатиши ён-атрофга яхшилик ва эзгулик ифорини соғингандай таассурот қолдиради.

Майин сабо юзларни гўёки эркалаб силайди. Қуёш сахий заминни ўзининг нурлари билан мунаввар қилар экан, бобо деҳқонга ўз бағрини очади. Кўкламнинг илк даракчиси бўлган бодом оппоқ гуллади. "Ҳосил мўл бўлсин" дея елкасига кетмонини ташлаган деҳқон ризқу рўзимиз манбаи бўлган она замин бағрини юмшатишга чоғланмоқда. Айвон тоқидаги уясига яна қалдирғочлар қайтиб келди.

Баҳор шундай кўркам фаслки унда табиат бор бўй-бастини, кўрку жамолини, гуллар ифорида, қушлар овозида, варрак учираётган шўх-шодон болажонлар ва сочларига сочпопукдан жамалаклар тақаётган қизчаларнинг кулгуларида намоён қилади. Қутлуғ қадамлари билан кириб келаётган кўкламой, кўнгилларга қувонч, дилларга завқ, ҳар бир ўтаётган осуда кунлар учун беадад шукроналик туйғуларини уйғотади.

Гўё борлиқ уйқудан уйғонгандай, гўзал баҳор ўз қадамларида қут-барака, тўкинлик ва меҳру муҳаббатни эргаштириб келади.

Ҳа, фасллар келинчаги бўлмиш навбаҳор фаслининг ўз гашти-таровати ва сеҳри бор. Бу фасл ўзи билан бир қатор байрамларни бошлаб келади. Дунёда азизу мукаррам бўлган аёлларга бағишланган 8 март байрами ва минг йиллик қадриятларимиз тимсоли бўлган Наврўзи олам ҳам айнан шу ойда нишонланади.

Хуш келибсан, ўлкамга Баҳор! Қадамларинг қутлуғ бўлсин! Соғлом она ва бола йилида юртимиз бунданда яшнасин, янада обод ва ҳур бўлсин, дастурхонимиздан қут-барака аримасин, омборларимиз донга, ҳаётимиз бахту иқболга, саодатли ва фароғатли кунларга эш бўлсин!

Гўзал фаслим, мукаррам фаслим, кўклардан кўк кийган кўкламой фаслим, ифорингдан бахт таралиб, бутун борлиқ нурга тўлсин!

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида Ёшлар симфоник оркестри ижросида "Баҳор навоси" деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.

ДИЛКАШ НАВОЛАР

"Камолот" ЁИҲ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган концерт дастурига мусиқа ва санъат ихлосмандлари, ёшлар ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари ташриф буюрди.

— Ўлкамизга баҳор ўзининг бор ҳусни таровати, хушбўй ифорлари билан ташриф буюрди. Биз ижод аҳли бундан янада завқ ва шавқ олмоқдамиз, — дейди Ёшлар симфоник оркестри бадиий раҳбари, бош дирижёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Камолиддин Ўринбоев. — Мазкур концерт дастури ҳам, фаслимизга кўрк ва тароват олиб келаётган навбаҳор фаслига бағишланди. Концерт дастурини тузишда мусиқа шайдоларининг кўнглини олишга ва уларга баҳорий кайфият улашадиган куй ва қўшиқларни ижро этишга ҳаракат қилдик.

Дарҳақиқат, концерт дастурида ўзбек бастакорлари билан биргаликда жаҳонга машҳур композиторларнинг энг сара куй ва қўшиқлари маромига етказиб ижро этилди. Дастурнинг иқтидорли ёшлар томонидан тақдим қилиниши, мамлакатимизда ёшларнинг ижод қилишлари, ўз маҳоратларини намойиш этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилаётганини яна бир бор намоён қилди.

"Баҳор навоси" деб номланган байрам дастури йиғилганларга ҳақиқий баҳор нафасини, унинг хуш насимларини қалбларига жо қилди.

(Ўз мухбиримиз)

Назм гулшани

КЎНГЛИМНИНГ ЭРКАСИ КЎРКАМ КЎКЛАМОЙ

Бир пайтлар мен сени кутиб олгандим,
Ясанган Боботоғ адирларида.
Ҳамонки, дилни тарк этмассан
бир зум,
Болаликнинг тиниқ хотирларида.

Кўрдиму кўркингни кўнглимга солдим,
Умидим кафтини тутдим йилларга.
Бахт билан ёнма-ён
ёмғирда қолдим,
Сойларни тўлдириб келдинг,
гулларга.

Юрт излаб, япроқлар кўксидай кенгроқ,
Сокин тун бағрида сархуш саболар.
Бинафша, сенга ҳам етгандир, янгроқ
Қалбимда юлдузлар берган садолар.

Оқ тонглар бағрида гулхандек чорлаб,
Мастона қалбларга титроқ солгансан.
Баҳорим, сен — онам кулгуларидан,
Чақнаган кўзлардек яшаб қолгансан.

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Ёшлар билан ишлаш бўлимининг
адабий маслаҳатчиси, шоира

БИНАФШАЛАР ТАРАТАДИ БЎЙ

Баҳор меникидир, заминникимас,
Меники дилларга сачраган ёғду.
Баҳорни дунёга мен бердим, бешак,
Юрагимда қишлаб ётган эди у.

Баҳор сеникидир, ийманма, дўстим,
Кўрдим кўксингдаги ишқ куртакларин.
Армонтошни дилдан кўтариб ўсди
Кўзингда орзунинг оқ чечаклари.

Баҳор онамники, ялдо тунларга
Сочлари оқидан сабр ушатган.
Шукроналик рангли, гўдак ифорли,
Ялпизга ичиккан, дийдорга шошган.

Баҳор деҳқонники, шудгорлаб
кўнглин,
Умид уруғини қадаган жонга.
Армонники баҳор, ушалмай туриб,
Бахтнинг ширин туши
етган поёнга.
Бизникидир баҳор, кўнглимизники...

Тилланисо ЭШБОЕВА

ТАБИАТНИНГ ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАРИ

МОМАҚАЙМОҚ

Момақаймоқ (қоқиўт, гулқоқи) мураккабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик сут ширали ўсимлик. Бўйи 10-40 см, барглари илдиз бўғзидан чиққан, ланцетсимон, аксарият ҳолда тўпбарг ҳосил қилади. Гуллари сариқ, тилларанг бўлиб саватчага йиғилган. Меваси — пистача. Момақаймоқ апрель ойидан бошлаб гуллайди. Меваси май-июнь ойларидан бошлаб кеч кузгача пишади.

Момақаймоқ кенг тарқалган ўсимликлардан бўлиб, у ўзининг шифобахшлиги билан ажралиб туради, йўл ёқаларида, ариқ, жилға бўйларида, боғларда, дала ва сайҳон ерларда учратиш мумкин.

Момақаймоқ халқ табобатида кенг кўламда ишлатилади. Жумладан, уни овқат ҳазм қилиш органларининг фаолиятини тезлатувчи восита сифатида, илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама буйрак касаллигини даволашда, сурги дори сифатида ишлатилади. Бундан ташқари илдизидан тайёрланган дамлама жигар шамоллашида, ўт пуфаги ва меъда ялиғланишида нафли ҳисобланади. Шунингдек, у бавосилни даволашда ҳам тавсия этилади. Бундай дамлама билан тиш ва томоқ оғриганда оғиз чайқаш, баргини майдалаб узум сиркасига қўшиб сўгалларни кетказиш мумкин.

Баргидан олинган шира камқонлик, дармонсизлик ва кўкрак қафаси касалликларини даволашда ёрдам беради. Момақаймоқнинг доривор маҳсулотлари (илдизи ва ер устки қисми) одатда эрта баҳорда йиғилади. Йиғиб олинган ўсимлик илдизи совуқ сув билан ювилади, очиқ ҳавода сўлитилади, сўнгра бир қават қилиб қуритилади. Ўсимликнинг баргларини эса ҳаво алмашиб турадиган пана жойларда қуритилади.

Уй шароитида момақаймоқ ўсимлигидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайноқ сув солинади, унинг устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан ёки илдизидан 1 чой қошиқ олиб 1 соат давомида дамланади. У докадан сузилиб, кунига 3-4 маҳал овқатланишдан ярим соат олдин чорак стакандан ичилади.

Момақаймоқ илдизининг порошоги билан асал аралаштириб суртма тайёрланса ҳам экземага даво бўлади. Суртма бадандан илиқ ҳолдаги сут билан ювилиши лозим.

Наъматак бутасимон ўсимлик бўлиб, баъзи турларининг бўйи 6 м. гача бориши мумкин.

НАЪМАТАК

Бизнинг ўлкамизда наъматак турлари асосан май ойидан бошлаб бутун ёз давомида гуллайди, меваси эса июль ойларидан то хазонрезги даврларигача пишиб етилади. Наъматак мевалари турларига қараб оғирлиги, ранги ва катта-кичиклиги новда пўстлоғининг кўриниши, тикандорлиги билан фарқланади.

Наъматак мевалари таркибида жуда кўп миқдорда витамин С, Р, К, В группаси, каротинлар билан бир қаторда флавоноидлар, қанд, органик кислоталар пектин ва ошловчи моддалар, ликопин ва рибоксантин, шунингдек, калий, темир, марганец, фосфор, кальций, магний тузлари бор. Мева уруғларида витамин Е мавжуд.

Наъматак мевалари халқ табобатида қадим замонлардан бери ишлатилиб келинади. Унинг меваларидан тайёрланган дамламада ўпка сили, жигар, ўт қопчасининг яллиғланиши, ичак, буйрак, қовуқ касалликларини даволашда фойдаланилади. Шунингдек, наъматакнинг меваси асосида тайёрланган қайнатма қон тўхтатувчи, иситма туширувчи омил сифатида истеъмол қилинади.

Наъматакнинг фақатгина гул ва меваларигина шифобахш бўлиб қолмасдан, балки унинг барглари асосида тайёрланган қайнатма меъда оғриқларига нафли ҳисобланади. Халқ табобатида ҳатто наъматак илдизларидан тайёрланган қайнатма қовуқ ҳамда буйракка тош келиб, оғриқ берганда ичилса кишига анчагина енгиллик бериши тан олинган. Бундан ташқари наъматак мевалари асосида тайёрланадиган дамлама тинка қуриши, камқонликда, шунингдек, дармонсизликка ижобий натижа беришини инобатга олиш лозим.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим

Тадбирлар

КЕЛАЖАК АВЛОДНИНГ ТАФАККУРИНИ БОЙИТИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 225-умумий ўрта таълим мактабида "Мумтоз шоир ижодининг шайдосимиз" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирга мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар ҳамда маҳалла фаоллари таклиф қилинди.

Тадбир давомида мактабнинг иқтидорли ўқувчилари Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк боболаримизнинг ғазаллари, туюқ, рубоий ва ҳикматли сўзларини саҳна кўринишлари орқали талқин қилиб беришди.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад мумтоз шоирларимизнинг ижодини ёш авлоднинг онгига янада чуқурроқ сингдиришга қаратилган, — дейди 225-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулшода Низомова. — Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда адабиёт ва санъатнинг ўрни муҳим аҳамият касб этиб, ўзига хос тарзда ватанпарварликни намоён қилади.

Дарҳақиқат, келажак авлоднинг тафаккурини маънавият ва маърифатимизнинг бой тарихи билан бойитар эканмиз, уларнинг ўз юртига муносиб фарзанд этиб вояга етишига улкан ҳисса қўшган бўламиз.

Тадбир якунида иқтидорли ўқувчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зафар НАЗАРОВ

ОГОҲЛИК ВА ҲУШЁРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида "Ёшларда турли ёт ғояларга қарши курашда мафкуравий иммунитетни шакллантириш" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан институтнинг қурилиш факультети ўқув ишлари бўйича декан муовини Сарвар Саипов, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари Нуриймон Абдулҳасан ва бошқалар мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчликнинг қадрига етиб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда халқаро миқёсда ўзини баралла намоён этаётган хатарли воқеликлардан бири шубҳасиз, диний экстремизм ва терроризм эканлигини унутмаслик лозим. Ёшлар Ватан равнақи йўлида илм олиб, ёт оқимларга қўшилиб кетмаслик, огоҳ бўлиш, ёш умрларини хазон қилмасликлари бунга фақат юксак маънавиятгина ғов бўлиши мумкинлигини чуқур ҳис этишлари муҳим.

Тадбир Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, талабаларнинг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ҳамда маданиятини янада юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди.

— Жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи таҳдидларнинг шундай бир шакли борки, у бевосита кўзга ташланмаслиги, мавжудлигини намойишкорона кўз-кўз қилмаслиги мумкин, аммо унинг қўпорувчилик таъсири ниҳоятда каттадир, — дейди институтнинг "Маънавият ва маърифат" ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими услубчиси Хуршида Юсупова. — Бундай таҳдидлар таъсир этиш объектига қараб маънавий таҳдид деб аталмоқда. Шу сабабли маънавий таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун кескин чоралар кўриш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадбир давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоблар олишди.

Нилуфар РАСУЛОВА

САЛБИЙ ИЛЛАТЛАР – УМР ЗАВОЛИ

Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежида ёшлар ўртасида гиёҳвандлик моддаларининг тарқалишига қарши курашга бағишланган тарғибот тадбири ўтказилди.

Мазкур тадбир ўқувчилар ўртасида гиёҳвандлик моддаларининг тарқалишига қарши курашиш, шунингдек, бу борадаги ишларни янада жонлантириш ва аср вабосининг салбий оқибатлари ҳақида тушунчалар бериш мақсадида ташкил этилди.

Республикамизда гиёҳвандликка қарши тарғибот-ташвиқот тадбирлари мунтазам ўтказилиб, бу йўналишдаги жиноятларнинг илдизини қирқишнинг самарали чоралари кўрилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси олий академик курсларининг тингловчилари А.Шакаров, А.Каттабеков, коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари У.Мадаминов ва бошқалар мамлакатимизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, тамаки чекиш каби иллатларнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишларга тўхталиб ўтишди.

— Ҳеч кимга сир эмаски гиёҳвандлик бутун дунёни ташвишга солаётган иллат ҳисобланади, — дейди Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари У.Мадаминов. — Гиёҳвандлик иллати ёшларни ўз домига тортиши ачинарли. Инсонга бир марта бериладиган ҳаётда тўғри йўлдан адашмаслик, ўз келажаги учун бефарқ бўлмаслик муҳим. Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом, маънан баркамол бўлиб ўсишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шундай экан доимо огоҳ бўлиб, соғлом турмуш тарзига амал қилайлик.

Тадбир давомида наркотик моддаларнинг зарари, унинг оқибатлари ҳақида ҳужжатли фильм намойиш этилди. Қизғин савол-жавобларга бой тарзда ўтган тадбирда коллеж ўқувчиларининг гиёҳвандлик моддаларининг салбий оқибатлари ҳақидаги билимлари янада оширилди. Таъкидлаш жоизки ўтказилаётган бу каби тадбирлар ёшларимизни огоҳ бўлишга, салбий иллатлар умр заволи эканлигини унутмасликларида муҳим ўрин эгаллаши шубҳасиз.

Умаржон ҲАЗРАТОВ



"Соғлом она ва бола йили" муносабати билан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий турларига қизиқишини ошириш, айниқса оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ўтказилган "Соғлом оила" шиори остидаги оилавий спорт мусобақасининг Юнусобод туман босқичи 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилди.

ЧАҚҚОН ВА ЭПЧИЛ ОИЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

Спорт мусобақасида Таълим, фан ва маданият, Ўзбекистон Фанлар академияси, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Соғлиқни сақлаш, Агросаноат ҳамда Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимларининг жами 12 нафар оилавий жамоалари иштирок этдилар.

Мусобақада ота-она ҳамда 8-12 ёшли фарзанддан иборат жамоалар "Чаққонлик ва мерганлик эстафетаси", "Қаддимизни ростлаймиз", "Сакрашни бошлаймиз", "Моҳир ҳужумчи", "Тезлик эстафетаси", "Арқон тортиш", "Бир жамоа эстафетаси" каби беллашувларда ўзаро куч синашди.

Қизиқарли ўтган беллашувлар якунига кўра Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимидан ўғил болали оила – Ўрунбоевлар оиласи биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Холматов ва Сулаймоновлар оиласи эгаллади. Мадраҳимовлар оиласи эса қиз болали оилалар орасида ғолибликни қўлга киритди. Аҳмедов ҳамда Шерматовлар оилавий жамоалари иккинчи ва учинчи ўринлардан жой олишди.

— Оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ва спортнинг оммавий турлари билан шуғулланишда ота-онанинг ўрнак бўлиши катта аҳамиятга эга, — дейди Маъмура Ўрунбоева. — Касаба уюшмалари томонидан меҳнат жамоаларида ходимларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида жорий этилган беллашувлар биз меҳнаткашлар учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

"Энг чаққон оила" деб Собиров ва Матёқубовлар оиласи, "Ғалабага бўлган интилиши юксак оила" – Азизтоев ва Аловутдиновлар оиласи, "Фаол иштирок этган оила" номинациясида эса Бакировлар оиласи эътироф этилди.

Зарина РУСТАМОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

Спорт янгиликлари

ЁШ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Республика олимпия захиралари коллежида юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Икки юзга яқин полвон иштирок этган чемпионатда Илҳом Бахромов, Жавоҳир Мираҳмедов, Қамариддин Зайниддинов, Мирзабек Раҳматов, Абубакр Алимов, Эрмат Шерматов, Абдумўмин Мамиров, Достон Саидқуловлар олтин медални қўлга киритди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

Олий лиганинг янги вакили, пойтахтимизнинг "Обод" жамоаси янги футбол мавсумига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида БААнинг Шаржа шаҳрида ўқув-машғулот йиғини ташкил этгани мухлисларга маълум.

НАЗОРАТ-ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Футболчиларнинг функционал ва жисмоний тайёргарлигини янада ошириш, таркибга янги жалб этилганларнинг жамоа ўйин услубига мослашиб кетишларини таъминлаш мақсадида уюштирилган машғулот йиғинлари доирасида Хитойнинг "Пекин Гуоан" жамоаси билан "Обод" клуби ўртасида назорат-ўртоқлик учрашуви ўтказилди.

Кескин, курашларга бой, муросасиз кечган беллашув 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

КУРАШЧИЛАРИМИЗ РЕЙТИНГИ ЎЗГАРМАДИ

Бутунжаҳон кураш иттифоқи эркин курашчиларнинг 2016 йил учун дастлабки рейтинг жадвалини эълон қилди.

Янги рўйхат бўйича вакилларимизнинг эгаллаб турган ўринлари ўзгармаган. Курашчиларимиз 2015 йил якунида қандай поғонадан жой олган бўлсалар, ҳозирда ҳам ўз ўринларида қолишган.

Америка Қўшма Штатларининг Лас-Вегас шаҳрида бўлиб ўтган сўнгги жаҳон чемпионатида кумуш медаль соҳибига айланган Ихтиёр Наврўзов ўз вазн тоифасида ҳамон иккинчи рақамли спортчи сифатида эътироф этилмоқда. Шунингдек, ҳамюртларимиздан Бекзод Абдураҳмонов олтинчи ва Рашид Қурбонов ўн биринчи ўринда қайд этилган.

Полвонларимиз вазн тоифаларида италиялик Франк Чамицо, Америка Қўшма Штатларидан Жордан Берроус ҳамда Россия вакили Магомедрасул Газимагомедов жаҳон рейтингини бошқариб келмоқда.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" АЖ – 20 йиллик вақт билан синалган ишончли ҳамкор.

Хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушлар, асбоб-ускуналар, автомототранспорт воситалари ва бошқа турдаги мулкларнинг оммавий савдоларига таклиф этамиз.
Телефон: (0 371) 228-79-52, 228-80-31.
www.rmm.uz

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Олмазор туман суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 30.10.2015 йилдаги 10-1508/19188-сонли ижро варақасига асосан "Avto Plasa Servis" МЧЖ да сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "NEXIA SONC" русумли, бошланғич баҳоси – 25 100 000 сўм, д/р 01 379 DDA бўлган, 2014 йил и/ч, ранги қора, техник ҳолати соз автотранспорт воситаси.

2. "NEXIA DONS" русумли, бошланғич баҳоси – 25 600 000 сўм, д/р 01/870ZCA бўлган, 2014 йил и/ч, ранги қора, техник ҳолати соз автотранспорт воситаси.

Аукцион савдоси 2016 йил 31 март соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 29 март соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1^-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар диққатига!
"Respublika Mulk Markazi" АЖнинг устав фондидаги 34 фоиз бошланғич нархи 1 568 627 339 сўм бўлган давлат улушини "Тошкент" РФБнинг биржа савдолари орқали сотиб олишни таклиф этамиз!

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Олмазор туман СИБ томонидан 2016 йил 22 январда юборилган 16834-35/25-сонли хатга асосан, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси ҳудудида жойлашган, савдо дўконининг аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Олмазор туман СИБнинг 2016 йил 1 февралдаги К-4.№5406/25-сонли хати.

Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-80-26. Лицензия: RR-0001.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Мирзо Улуғбек туманидаги 1-сонли ДНИ нотариус ёрдамчиси Искандар Ташбулович Рахимовга онаси
Оқсулув РАХИМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **2 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **2 март** куни Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2016 йил 30 март куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар қўйилмоқда: I. Сергели туман СИБ томонидан, 24.04.2015 й. кунги 10-1510/8500-сонли ижро варақа, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Жунариқ кўчаси, 27а-уйда сақланаётган: 1. 1985 йилда и/ч дав. бел. 01/250NBA бўлган Маз5551 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 077 423 сўм. 2. 1992 йилда и/ч дав. бел. 01/248NBA бўлган МАЗ-5551 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 211 795,20 сўм. 3. 1986 йилда и/ч дав. бел. 01/508BDA бўлган ЗИЛ-130 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 163 250,69 сўм. 4. 1997 йилда и/ч дав. бел. 01/249NBA бўлган УАЗ-452Д русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 274 044,67 сўм. 5. 2003 йилда и/ч дав. бел. 01/247NBA бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 10 294 179,07 сўм. 6. 1995 йилда и/ч дав. бел. 01/509BDA бўлган ГАЗ-310910 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 4 140 353,28 сўм. 7. 24.12.2015 й. кунги 10-1506/22916-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/158MDA бўлган Ласетти русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 30 000 000 сўм. II. Бектемир туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган: 1. 14.03.2014 й. кунги 1-30/2014-сонли ижро варақа, 1980 йилда и/ч дав. бел. 10/S513EA бўлган ГАЗ-24 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 557 423,30 сўм. 2. 14.03.2014 й. кунги 1-30/2014-сонли ижро варақа, 1990 йилда и/ч дав. бел. 10/R095EA бўлган ГАЗ-24 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 833 561,20 сўм. 3. 12.02.2013 й. кунги 1-13/13-сонли ижро варақа, 1991 йилда и/ч дав. бел. 01/823NBA бўлган КАВЗ-3271 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 678 844,50 сўм. 4. 12.02.2013 й. кунги 1-13/13-сонли ижро варақа, 1987 йилда и/ч дав. бел. 01/935TBA бўлган ГАЗ-5205 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 427 213 сўм. 5. 8.04.2013 й. кунги 1-74/13-сонли ижро варақа, 1977 йилда и/ч дав. бел. 10/R769CA бўлган ВАЗ-2103 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 764 153,60 сўм. 6. 27.03.2015 й. кунги ижро варақа, 1988 йилда и/ч дав. бел. 10/D781GA бўлган Москвич-412 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 264 095,70 сўм. 7. 7.05.2014 й. кунги 1-363/2014-сонли ижро варақа, 2005 йилда и/ч дав. бел. 01/V832HA бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 822 450 сўм. 8. 11.04.2014 й. кунги 1-306/2014-сонли ижро варақа, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10/E718GA бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 090 654,30 сўм. 9. 9.07.2015 й. кунги 1-161/2015-сонли ижро варақа, 1998 йилда и/ч дав. бел. 10/199TTA бўлган Дамас русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 085 145,30 сўм. 10. 30.07.2014 й. кунги 1-442/14-сонли ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01/E379CE бўлган Матиз русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 304 475 сўм. 11. 23.10.2014 й. кунги 1-864/2014-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/277ECA бўлган Шевралет Оптра русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 36 510 637,50 сўм. 12. 19.02.2015 й. кунги 1-89/2015-сонли ижро варақа, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01/D854TA бўлган Матиз русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 22 609 542,40 сўм. 13. 2.10.2014 й. кунги 1-566/14-сонли ижро варақа, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01H399CA бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 22 578 611,80 сўм. 14. 16.09.2014 й. кунги 1-253/2014-сонли ижро варақа, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01/E757 GA бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 822 450 сўм. 15. 25.08.2014 й. кунги 1-495/14-сонли ижро варақа, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/M791PA бўлган ВАЗ-2107 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 433 475,90 сўм. 16. 18.01.2013 й. кунги 1-414/5-сонли ижро варақа, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01/V984AA бўлган Матиз русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 349 384,60 сўм. 17. 20.05.2014 й. кунги 1-126/14-сонли ижро варақа, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/C274KA бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 858 400 сўм. 18. 14.07.2015 й. кунги 1-451/2015-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/R654CA бўлган Матиз русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 143 800 сўм. 20. 16.09.2006 й. кунги 1-516/2014-сонли ижро варақа, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01/B217GA бўлган Матиз русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 092 206,90 сўм. 21. 24.02.2015 й. кунги 1-06/15-сонли ижро варақа, 1999 йилда и/ч дав. бел. 10/J307DA бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 711 089,30 сўм.

2016 йил 15 март куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар такроран қўйилмоқда: I. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан 11.02.2014 й. кунги 729/5-сонли ижро варақа, Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган: 1. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01/019OAA бўлган Матиз русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 6 503 833 сўм. 2. 1992 йилда и/ч дав. бел. 10/AN808 бўлган ГАЗ-31029 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 750 724 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ